

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 6-сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** - акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** - акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** - б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари:** - п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** *Н.Юсупов, Г.Акмалжонова*

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [iltiy@inbox.uz](mailto:iltiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



## ТАРИХНИ ЎҚИТИШДА АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ: ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ АСОСЛАРИ

Юлдашев Жавохир Абдурахим ўғли,  
Наманган давлат университети мустақил изланувчиси  
[yuldashevjavohir2018@mail.ru](mailto:yuldashevjavohir2018@mail.ru)

**Аннотация.** Мазкур мақолада аксиологик ёндашув асосида тарихни ўқитиш жараёни мазмуни ва таркибий асослари ёритиб берилган. Муаллиф аксиологик ёндашувнинг тарихни ўқитиш жараёнидаги дидактик имкониятларини очиб берган.

**Калит сўзлар:** тарих, ўқитиш, ёндашув, аксиологик ёндашув, тузилма, компонент, дидактик имконият.

## АКСИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ПРЕПОДАВАНИЮ ИСТОРИИ: СТРУКТУРА И СТРУКТУРНАЯ ОСНОВА

Наманганский государственный университет  
независимый искатель  
[yuldashevjavohir2018@mail.ru](mailto:yuldashevjavohir2018@mail.ru)

**Аннотация.** В статье описывается содержание и структура процесса преподавания истории на основе аксиологического подхода. Автор раскрывает дидактические возможности аксиологического подхода в процессе преподавания истории.

**Ключевые слова:** история, обучение, подход, аксиологический подход, структура, компонент, дидактическая возможность.

## ACCIOLOGICAL APPROACH TO TEACHING HISTORY: STRUCTURE AND STRUCTURAL FRAMEWORK

Namangan State University  
independent seeker  
[yuldashevjavohir2018@mail.ru](mailto:yuldashevjavohir2018@mail.ru)

**Annotation.** This article describes the content and structure of the process of teaching history on the basis of an axiological approach. The author reveals the didactic possibilities of the axiological approach in the process of teaching history.

**Key words:** history, teaching, approach, axiological approach, structure, component, didactic opportunity.

Маълумки, тарих фақат ўтмиш ҳақидаги маълумотлар, хотиралар ҳам эмас. Унинг буюк қудрати, тарбиявий кучи, мураббийлик моҳияти ўтмишни ўрганиш, тадқиқ этиш орқали бутунни баҳолаш, бутунни англаш, бутунги одамларни тушуниш ва уларни йўналтириш борасидаги фикрларни, ғояларни ўзида мужассам этганида! Агар биз тарихга ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унинг бутун кўламини, инсоният ва жамият тараққиётидаги ролини чуқурроқ англаймиз.

Тарих фалсафаси билан боғлиқ фундаментал тадқиқот ишини амалга оширган Н.Жўраевнинг фикрича, тарихни англаш тарихий билим манбаларига қизиқишдан, уни



ўрганишдан бошланади [1, 193-б.]. Олим ўз фикрини давом эттириб, ҳар қандай англаш жараёни, тасаввурлар ва тафаккур дебочаси экан, айтиш пайтда тарихий билимга эҳтиёж инсоннинг ўзига, келиб чиқишига, инсоният тақдири ва тарихига қизиқишнинг мавжудлигидан эканлигига шубҳа қолмайди [1, 194-б.], деб таъкидлаб ўтади.

Инсоннинг атрофдаги оламни англаши мазкур жараённинг характери, уни ташкил этиш даражасидан қатъий назар, ҳамма вақт маълум бир объектга муносабат ва у билан ўзаро ҳаракатда бўлиш шакли билан уйғунликда амалга ошади. Тарихнинг аҳамияти кенг маънода ижтимоий ва шахсий, эпистемологик ва экзистенциал жиҳатдан инсон онгидан мустақил равишда воқеликни билиш, объектни (тарих) баҳолашдан туриб субъект унинг моҳиятини тўлиқ англай олмаслиги, унинг ўзига хосликлари сирли тус касб этиши билан бевосита боғлиқдир. Ўтмишни тарихий рефлексия кўникмалари, баҳолаш мезонлари орқали мақсадга мувофиқ ўзлаштириш унинг аҳамиятини ифода этмайди, бироқ ўрганилаётган ҳодиса қадрият сифатида субъектга ўзини-ўзи “кашф этиш” имконини беради. Тарихни таълим олувчилар томонидан бундай тарзда “кашф этилиши”, унинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини англаш ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини аксиологик ёндашув тамойиллари асосида ташкил этиш орқали амалга ошиши мумкин.

“Мазмун” ва “шакл” тушунчалари фундаментал фалсафий категориялар бўлиб, педагогик назария ва амалиётида улар яхлит ўқув-тарбия жараёнини тавсифловчи ҳамда аниқлаштирувчи хусусиятлар сифатида акс этади. Шунинг учун “мазмун” деганда яхлитликнинг алоҳида томони, унинг қисмларининг йиғиндисини тушунилади. Дидактикада таълим мазмуни кенг ва тор маънода қўлланилади. Одатда, тарих таълими мазмуни умумлашган билимлар йиғиндисини сифатида тақдим этилиб, таълим олувчи шахсини белгиланган мақсадларга мувофиқ равишда ривожлантириш ва ахборот кўринишида тизимлаштирилган ажлодларнинг ижтимоий тарихий тажрибасининг бир қисми. уни ўзлаштиришнинг методик усул ва воситалари тизимини ўзида акс эттиради. Кенг маънода таълим мазмуни, хусусан тарихий таълим кенг маънода ўқув жараёнига ўқувчи томонидан ўзлаштириладиган ўқув-билиш фаолиятининг барча тур ва шакллари, субъект билан ўзаро алоқаларини киритишни талаб қилади. Шундай қилиб, тарих таълими мазмуни таълим олувчиларнинг ўқув-билишга доир ҳаракатлари ва ўқитувчининг касбий фаолияти предмети сифатида тасаввур қилиш мумкин.


Муайян бир фан соҳасига тегишли таълим мазмуни дидактикани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида Давлат таълим стандартидан босқичма-босқич, миллий ўқув дастурлари орқали мактаб дарслиklarига қадар ривожланиб боради, ўқитувчи эса ҳар доим хусусий дидактик мақсадларга эришишга доир компонентларни ажратиш, уларни батафсил баён қилиш, умумлашган тарзда ёритиб бериш имкониятига эгадир.

Аксиологик ёндашувга асосланган ўқитиш жараёнини педагогик моделлаштириш қадриятли муносабатни шакллантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида тарих таълими мазмунини ёритиб бериши ва шунга мувофиқ равишда уни амалга оширилишини таъминлаши керак. Айнан аксиологик компонент Давлат таълим стандарти ва дастурларининг таркибий асосларини алоҳида-алоҳида ўрганиш



имкониятини тақдим этиб, инсон ҳаёти мазмуни, тарихнинг туб моҳияти, турли тарихий даврлар, билиш жараёнларининг аҳамиятини кенг равишда очиб беради.

Н.М.Чучула[2] томонидан тақлиф этилган тарих ўқитиш мазмунини аксиологик ёндашувга асосланган тузилмаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, махсус ўқув модуллари ва етакчи фаолият турларини ажратиш имконини беради (1-расмга қаранг).



### **аксиологик муносабатни шакллантиришнинг методик модели**

Тарихга аксиологик муносабатни шакллантиришнинг методик модели ядросини таълим мазмунининг турли жиҳатларини акс эттирувчи бешта ўзаро боғлиқ компонент ташкил этади:

тарихий тараққиётда инсон моҳиятини (табиатини) очиб берувчи тарихий-антропологик жиҳат;

тарихий фанларнинг ўзига хосликлари ва аҳамиятини ёритиб берувчи тарихий-эпистемологик жиҳат;

тарихий таҳлилнинг имкониятлари ҳамда жамиятнинг истиқболи ва турли билишга доир мақсадлар ҳақидаги ҳукмларнинг ишонарлилигини очиб берувчи тарихий-прогностик жиҳат;

таълим оловчиларнинг тарихий манбалар билан ишлаш, тарихий фанларнинг илмий-тадқиқот усуларини (тарихий маълумотлар, тарихий манбаларни излаш, тизимлаштириш ва комплекс таҳлил қилиш) ўзлаштиришга имкон берувчи гносеологик жиҳат;

таълим оловчиларга тарихий давр билан боғлиқликда инсон фаолиятига баҳо бериш, тарихий шахсга индивидуал муносабатни аниқлаш, ўтмиш воқелиги ва далилларига баҳо бериш, тарихнинг баҳсли муаммоларига ўзининг шахсий баҳосини



бериш, илмий тадқиқот асоси сифатида инсоннинг қадриятли, шахсий фаолият асосларини таҳлил этиш малакаларини эгаллаш имконини берувчи аксиологик жиҳат.

Тарихни ўқитишда аксиологик ёндашувнинг асосий дидактик тамойилларидан бири сифатида “қадриятлар интериоризация”нинг таркибий қисми ҳисобланган субъектни “жалб этиш”, “ўша давр билан яшаш” жараёнини ташкил этишга доир таълим олувчининг шахсий-аҳамиятли фаолияти акс этади. Шунинг учун ўқув материали, унинг мазмуни қанчалик мустаҳкам ишлаб чиқилган бўлмасин, у ўз-ўзидан самарали ўзлаштирилишини таъминлай олмайди. Бундай самарадорликни тарихни ўрганиш жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув ҳаракатларини ташкил этишнинг кенг қамровли шакл ва турларини ташкил этишга доир фаолиятли компонентга аксиологик ёндашув асосида таъминлаш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, методиканинг барча элементларининг мутлақ ўзаро алоқадорлигини аксиологик ёндашувга асосланган ўқитиш жараёнининг қўшимча омиллари орқали таъминлаш мумкин. Яъни, тарихга аксиологик муносабатни шакллантиришнинг ҳар бир воситаси ўзаро бир-бирини тўлдириб туриши лозим. Тарихга аксиологик муносабатни шакллантириш мазмунининг асосини ишлаб чиқиш босқичини амалга оширишга тизимли ёндашув тизим элементларининг ўзаро алоқасини таъминлашга имкон беради.

Бундан ташқари таклиф этилган тузилмали модел қуйидаги мезонларга ҳам тўлиқ мувофиқ келади:

заруриятни асослаш (таълим олувчиларга тарихий давр билан боғлиқликда инсон фаолиятига баҳо бериш, тарихий шахсга индивидуал муносабатни аниқлаш, ўтмиш воқелиги ва далилларига баҳо бериш, тарихнинг баҳсли муаммоларига ўзининг шахсий баҳосини бериш, илмий тадқиқот асоси сифатида инсоннинг қадриятли, шахсий фаолият асосларини таҳлил этиш малакаларини эгаллаш имконини берувчи аксиологик жиҳат сифатида тарихни англаш имконини берувчи билим ва малакаларни ўзлаштириш зарурати);

мақсадга эришиш учун мазкур тузилманинг асосланганлиги: маъно-мазмун, аҳамият, қадрият, амалий фойдалилик, тажриба, кўп ўлчамлилик, ўзига жалб этиш каби қадриятга йўналтирилган сифатлар орқали таълим олувчиларнинг ўтмишни идрок этиши ва англа қобилиятини ифода этувчи тарихга қадриятли муносабатни шакллантириш; ўтмиш, бутун ва келажак бирлиги[3] сифатида тарихни ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини тушуниш;

тарихийлик тамойилини тушуниш ҳамда уни воқеликнинг турли ҳодиса ва жараёнларини таҳлил этишда қўллаш олиш;

аксиологик компетенцияларни ўзлаштириш: воқеликни аксиологик баҳолай олиш, табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг қадрини англаш, завқ олиш, лаззатланиш, масъулият ҳиссини сезиш, ўқувчининг ўз ички позициясини англаши ва аниқ қадриятлар билан боғлиқликда фаолиятга тайёрлик, ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирадиган муаммолар ҳамда уларнинг ечимларини ифодаладиган қарашлар, ғоялар, таълимотлар, талаб ва эҳтиёжларнинг реал жараёнлар учун кадр-қимматини аниқлаш[4, 94-б.];

билимларнинг ноёб соҳаси сифатида тарих, унинг методлари, билиш жараёнларининг ўзига хосликлари ҳақидаги билимларини кенгайтиришга интилиш



Хулоса қилиб айтганда, тарихий билиш объектига қадриятли муносабатни ривожлантириш субъект (талаба) ва объект (тарих) алоқаларининг миқдори ва сифатини оширишни қўллаб-қувватловчи шахсий аҳамият касб этувчи фаолият мазмунини акс эттирувчи аксиологик йўналтирилган таълимий муҳит шароитида муваффақиятли амалга ошади.

#### **Адабиётлар:**

1. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008. – 461 б.
2. Чучула Н.М. Аксиологической подход в обучении истории: содържательный компонент // Шаг в историческую науку: материалы региональной студенческой научной конференции. Вып. 6. – Екатеринбург, 2006. – С.392-396.
3. Самиев А.Х. Историческое сознание и развитие духовного мира человека. – Душанбе: Дониш, 1994. – 154 с.
4. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 2016. – 314 б.

### **БАДИИЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРДА СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ЎзДЖТСУ Салихов Р.А.**

**Аннотация:** Терминологияга оид тадқиқотлар кейинги ўн йилликларда мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда етакчи ўрин эгалламоқда. Бироқ бу терминларнинг тарихи ўрганиш ҳам жуда муҳим. шу боис ўтмишимизнинг буюк мутафаккирларини асарларини таҳлили, уларнинг соҳа ривожини учун қўшган хиссаларини ушбу мақолада кўрсатиб берилди.

**Калит сўзлар;** ижод, камон, спорт, империя, достон, султон, ёрлик, тараққиёт.

### **USE OF SPORTS TERMS IN HISTORICAL CREATURES**

**Annotation:** Terminological research has been a leader in internal and external linguistics for decades. However, the study of the history of these terms is also very important. Therefore, an analysis of the works of the great thinkers of our past and their contribution to the development of this sphere is shown in this article.

**Keywords;** creativity, bow, sport, empire, epic, sultan, label, development.

### **ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СПОРТИВНЫХ ТЕРМИНОВ В ИСТОРИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЯХ**

**Аннотация:** Терминологические исследования были лидером в отечественной и зарубежной лингвистике на протяжении десятилетий. Однако изучение истории этих терминов также очень важно. поэтому анализ произведений великих мыслителей нашего прошлого и их вклад в развитие этой сферы показан в этой статье.

**Ключевые слова;** творчество, лук, спорт, империя, эпос, султан, ярлык, развитие..



109	<b>Замонавий касб-хунар таълимида касбий қизиқишларни шакллантириш омиллари</b> Юсупов О.Я .....	541
110	<b>Умумий ўрта таълим мактабининг 5-6 синф ўқувчиларини баскетбол спорт ўйини орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш</b> Зокиров У.М .....	544
111	<b>Oliy ta'lim tizimida gendr rivojlanish imkoniyatlari</b> Narzullayeva G.N .....	549
112	<b>Ҳарбий таълим жараёнини бошқичма-бошқич кредит-модуль тизимига ўтказишнинг айрим масалалари</b> Сотводдиев А. Ю .....	553
113	<b>Метод исследовательской деятельности на уроках литературы</b> Буранова Н.Ш .....	557
114	<b>Олий таълимда автономия тамойилларини жорий этиш муаммолари (хорижий давлатлар тажрибаси мисолида)</b> Сиддиқов И. Б .....	562
115	<b>Мактаб физика курсини ўқитишда илмий ва ўқув билимлар муносабатининг психологик ва педагогик жиҳатлари.</b> Обидова З.Н .....	570
116	<b>Узлуксиз таълим тизимида технология фанини ўқитишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш – педагогик муаммо сифатида</b> Олимов Б.У .....	574
117	<b>Oliy ta'limda masofaviy ta'lim berish jarayoniga pedagogik kadrlarning tayyorgarlik kompetenligini shakllantirish metodlari.</b> Pardayeva G. A .....	578
118	<b>Ўқув жараёнига инновацион таълим технологияларини қўллаш</b> Косимов А.С, Раимов Ф.Ф, Мирзамуратов Б.Ф .....	582
119	<b>Тарихни ўқитишда аксиологик ёндашув: тузилмаси ва таркибий асослари</b> Юлдашев Ж.А .....	588
120	<b>Бадий тарихий асарларда спорт соҳасига оид терминларининг қўлланиши</b> Салиҳов Р.А.....	592
121	<b>Ривожланган мамлакатлар таълим тизими тараққиётининг айрим масалалари: Финландия мисолида</b> Аббасова М. О .....	595
122	<b>Таълим тизимини бошқаришда касбий компетентлик йўналишлари</b> Худайбердиев Б.Б .....	602
123	<b>Ўзбек халқ мусиқа ижодида устоз-шогирд анъаналарининг ўзига хослиги.</b> Турдиев Ш.А .....	607
124	<b>Қишлоқ хўжалиги терминларининг шаклланишида номинациянинг назарий тамойиллари</b> Халмурадова Э.Х. ....	612